


**Р. Ж. ТОЖИЕВ**

# **ҚУРИЛИШ МАШИНЛАРИ**



**“ЎЗБЕКИСТОН”**

# ҚУРИЛИШ МАШИНАЛАРИ

*С. С.*  
*Журнал*  
**техника файлари доктори,**

**R. Ж. Тожиев**

Узбекистон Республикаси олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан "Курилиш" йўналишлари бўйича таълим олаётган студентлар учун дарслик сифати

тида тавсия қилинган

Министри ижтимоий таъсисатлар министри таъсисатлари, Узбекистон Республикаси олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан

дебютчиларни таъсисатлари, Узбекистон Республикаси олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан

дебютчиларни таъсисатлари, Узбекистон Республикаси олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан

дебютчиларни таъсисатлари, Узбекистон Республикаси олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан

дебютчиларни таъсисатлари, Узбекистон Республикаси олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан

дебютчиларни таъсисатлари, Узбекистон Республикаси олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан

дебютчиларни таъсисатлари, Узбекистон Республикаси олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан


**«Ўзбекистон» - 2000**

606(+) 600.08.

T-60

Ушбу дарслик олий мактаб зиммасидаги замон талабларини ҳаётга татбиқ қилишдаги илк қадамлардан бири бўлиб, у техника олий ўкув юртларида бакалаврият тизимиning «Бинолар ва саноат иншоотлари курилиши», «Шаҳар қурилиши ва хўжалиги» ҳамда «Курилиш» йўналишлари бўйича таълим олаётган студентлар учун мўлжалланган. Бундан ташқари, дарсликдан касб-хунар коллежларида курилиш йўналиши бўйича таълим олаётган ўкувчилар ҳам фойдаланиши мумкин.

816628



уаб

Т 3307000000—12 2000  
351(04) 2000

© «Ўзбекистон» нашриёти, 2000 й.

Биринчи салонда «Муаллифлар» дарслари жариятланганда бўйича ишлардан берган К. Ж. Мухамадсодиқов, К. Турсунмуродов, А. А. Мирзаев ва А. А. Холмурзаевларнинг хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Дарсларни оидий мурасимларни шароитлайдиганда бўйича салонда таъкидлаб ўтди. Биринчи салонда «Муаллифлар» дарслари жариятланганда бўйича ишлардан берган К. Ж. Мухамадсодиқов, К. Турсунмуродов, А. А. Мирзаев ва А. А. Холмурзаевларнинг хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтди.

## СЎЗ БОШИ

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида мамлакатимиз Президенти И.А.Каримовнинг «Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» мавзусидаги маърузаси ва шу сессияда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Тальлим тўғрисида»ги Қонуни ҳамда “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” мамлакатимиздаги барча тальлим муассасалари олдига катта вазифа қўиди. Ана шу вазифалардан бири жаҳон андозалари даражасидаги, фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқларидан хабардор бўлган, рақобатбардош, ўз соҳасини мукаммал билган, юксак маънавиятли мутахассислар тайёрлашдир.

Мазкур дарслик «Курилиш машиналари» фани дастури бўйича, муаллифнинг Киев қурилиш инженерлари институти (ҳозирги Киев давлат архитектура ва қурилиш техника университети) ҳамда Фаргона политехника институтида кўп йиллар мобайнида шу курс бўйича олиб борган педагогик тажрибалари ва илмий изланишлари асосида ёзилди. Шунингдек, дарсликни тайёрлашда соҳанинг етук олимлари Ю. А. Ветров, Д. П. Волков, А. С. Фиделев ва И. Суляймоновларнинг илмий изланишлари натижаларидан ҳам фойдаланилди.

Дарслик ўзбек тилида яратилган дастлабки ишлардан бири бўлганлиги сабабли айрим камчиликлардан ҳоли бўлмаслиги табиий. Бу ҳақда ўз фикрларини билдирган мутахассисларга муаллиф олдиндан ўз миннатдорчилиги ни изҳор этади.

Муаллиф дарсликни тайёрлаща яқиндан ёрдам берган К. Ж. Мухамадсодиқов, К. Турсунмуродов, А. А. Мирзаев ва А. А. Холмурзаевларнинг хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Муаллиф

## КИРИШ

Мустақилликка эришиб, юксалиш сари олға интилаётган мамлакатимиз — Ўзбекистон Республикасининг буғунги кунини йирик саноат корхоналари, турли мұхандислик иншоотлари ва тизимлари, маданий ва мәшийе бинолар қурилишларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда чет эл инвестициясининг кириб келиши сабабли қўплаб саноат корхоналари жаҳон андозаларига жавоб берадиган даражада қайта қурилмоқда, йириклашмоқда ва янгидан қурилмоқда.

Табиийки, улкан қурилишларнинг тобора ривожланиб бориши замонавий қурилиш машиналари ва жиҳозларига бўлган талаб ва эҳтиёжни кучайтиради:

- Ҳозирги замондаги қурилиш машиналари ва жиҳозлари қуйидаги йўналишларда такомиллашиб ва ривожланиб бормоқда;
- машйналарнинг сифати, ишончлилиги ва хизмат муддатининг ўсиши;
- машиналар қувватининг ортиши;
- гидравлик юритмалардан фойдаланиш;
- алмашинувчи ишчи қисмларга эга бўлган универсал машиналарни яратиш;
- кўл машина ва механизмларидан фойдаланиш;
- машиналарни манёврчанлигини ошириш;
- автоматик қурилмалардан фойдаланиш;
- машиналарнинг қулай меҳнат шароити ва техник эстетика талаблари асосида лойиҳалаш.

Булардан ташқари, янги русумдаги қурилиш машиналари яратиш бўйича изланишлар олиб борилмоқда. Ху-

сусан, детонацион түлкін энергияси, портлаш энергияси, лазер нурлари, тебранишлар, ультрақисқа товуш тебранишлари ёрдамида ишловчи янги русумдаги қурилиш машиналари устида илмий-тадқықот ишлари олиб борилмоқда.

Курилиш машиналаридан фойдаланиб қурилиш ишларини қисман ва түлиқ механизациялаш ҳамда автоматлаштириш мүмкін. Күп қаватлығи шартта үйнис қуришда ишті ва қоришиман қоюқорига олиш механизмлар ёрдамида бажарилса, иштің териш эса құлда бажарилади. Ишни бундай ташкил қилишда жараён қисман механизациялашади. Замонавий қурилиш ишлаб чиқариши барча жараёнларни комплекс механизациялашни талаб қылади, яғни ишлаб чиқаришдаги барча жараён механизмлар ёрдамида бажарилиб, ишчи фақаттана бу машиналарни бошқариш билан шуғулланади.

Жараёнларни механизациялашнинг әңгюқориси автоматлаштиришdir. Машиналар қисман автоматлашганда түрли хилдаги датчик ва асбоблардан фойдаланилади. Корхоналардаги юқ күтариш баландлыгини автоматик назорат қилиш, бульдозер отвалини лазер нури ёрдамида бошқариш қисман автоматлаштиришга мисол бұла олади. Барча ёрдамчи ва асосий жараёнлар автоматик тарзда бажарилганда, жараён түлиқ автоматлаштирилген бўлади. Курувчи бакалаврларни тайёрлашда “Курилиш ишлаб чиқариш технологияси”, “Курилишни ташкил қилиш” ва “Бино ва иншоотларни тиклаш технологияси” фанлари асосий мутахассислик фанлари бўлиб, улар қурилиш машиналари фани билан узвий боғлиқдир. Шунинг учун ҳам қурилиш йўналиши бўйича таълим олаётган студентлар куйидагиларни билишлари керак:

- замонавий қурилиш машиналарининг конструкцияси тузилишини;
- машиналарнинг иш унумдорлигини ҳисоблаш үсулларини;
- машиналардан рационал фойдаланиш шартларини;
- қурилиш машиналаридан түғри фойдаланиш асосларини.

“Курилиш машиналари” курси “Назарий механика”, “Материаллар қаршилиги”, “Гидравлика”, “Электро ва теплотехника” ҳамда “Материалшунослик” каби умумтехника фанларига асөсланади.

Дарслик куйидаги қисмларни ўз ичига олади:

- курилиш машиналари ҳақида умумий мәдениеттегі мағлұмалар;
- юк ташиш, ортиш-тушириш машиналари;
- юк күтариш машиналари;
- ер ишлари учун машиналар;
- қозық қоқиши учун машина ва қурилмалар;
- табиий тош материалларини майдалаш, саралаш ва ювиш машиналари;
- бетон ва қоришималар тайёрлаш, ташиш ва бетон ара-лашмаларини зичлаштириш машина ва ускуналари;
- құл машиналари;
- пардоzlаш ишлари учун машиналар;
- ер ости коммуникацияси ўтказишнинг траншеясиз (ёпик) усули;
- курилиш машиналаридан фойдаланиш асослари.

Курилиш йұналиши бүйіча битирған бакалаврлар курилиш ишларини механизациялаштиришни ташкил этиш, курилиш машиналарини танлаш ва улардан оқилюна фойдалана олишнинг замоһавий илмий усулларини құллай билишлари ҳамда машиналарнинг истиқболли конструкциялари ва комплексларини ўрганиб чиқиб, ишлаб чиқа-ришга тадбиқ эта олиш қобилятига эга бўлишлари керак.

## ҚУРИЛИШ МАШИНАЛАРИ ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

### *1.1. Қурилиш машиналарига қўйиладиган асосий талаблар*

Қурилиш машиналарининг асосий вазифаси Қурилишдаги ишларни юқори даражада механизациялаш ва қўл меҳнатини камайтиришдан иборат. Иш унумдорлиги қурилиш машиналарининг асосий кўрсаткичи бўлиб, бажарилган ишнинг ҳажмини вақтга нисбати билан аниқланади.


Шунинг учун ҳам иш унумдорлигини ошириш, бажарилган ишнинг сифатини яхшилаш, танинархини камайтириш қурилиш машиналарига қўйиладиган асосий талаблардан ҳисобланади. Машиналарнинг иш унумдорлигини ошириш учун биринчи навбатда, иш вақтида двигатель қувватидан тўлиқ фойдаланиш, механизмларнинг ишончлилигини ошириш ва универсаллаштириш ҳамда автоматлаштириш, фойдали иш коэффициентини ошириш ва шу кабилар талаб қилинади.

Машиналарни бир ердан иккинчи ерга кўчириш қулай бўлиши ҳам уларни иш унумдорлигига сезиларли таъсир кўрсатади.

Хар қандай машина иш жараёнида меҳнат муҳофазаси қоидаларига тўлиқ жавоб бериши керак. Улардаги тўхтатиш ва сигнал қурилмалари юқори даражада сифатли бўлиши, афдарилишга ва сурилишга қарши устиворлиги тъминланган бўлиши талаб қилинади.

Машинада иш бажарувчи — оператор иш бажариладиган майдонни ва ён—атрофини кузатиш имкониятига эга бўлиши керак. Машина конструкцияси гигиеник талабларга тўлиқ жавоб бериб, операторни толиқтирумайдиган, бошқариш қисмлари эса қулай жойлашган бўлиши керак.

Машина кабиналари герметик берк бўлиб, чанг ва шовқиндан сақланган; ундаги заҳарли газлар миқдори, шовқин ва тебраниш рухсат этилган даражада бўлиши тъминланади. Шовқин ва тебранишларнинг миқдорий чегаралари маҳсус хужжатлар орқали қонунлаштирилган бўлиши керак.




## 1.2. Курилиш машиналари ва жиҳозлари таснифи

Курилиш машиналари бевосита иш бажарувчи машиналар бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам уларни технологик жараёнга мувофиқ турларга ажратиш мүмкин:

Курилиш майдонида иш бажарувчи машиналар куйидагиларга бўлинади:

- юк ташиш машиналари;
- юклаш ва тушириш машиналари;
- юк кўтариш машиналари;
- ер ишлари учун машиналар;
- қозиқ қоқиш учун курилмалар;
- майдалаш—сараблаш машиналари;
- бетон аралашмалари ва қоришмалари тайёрлаш ва ташиш машиналари;
- пардозлаш ишлари учун машиналар;
- курилиш учун механизациялашган асблолар.

Замонавий курилиш машиналари беш асосий қисмдан иборат (1.1-расм).



1.1-расм. Курилиш машиналарининг тарқибий схемаси

1—куч курилмаси; 2 — трансмиссия; 3 — ишчи жиҳозлари;  
4 — юриш жиҳозлари; 5 — бошқариш қисмлари.

Бу қисмлар ҳам ўз навбатида, узеллар ва деталлардан ташкил топган. Машиналар чизмаларда конструктив, кинематик, гидро ва электр схемалари кўринишида берилиши мумкин. Конструктив схемада машиналар конструкциясининг принципиал тузилиши кўрсатилса, кинематик схемада эса механик юритма элементларининг ўзаро боғланганлиги кўрсатилади. Гидро ва электр схемалар машиналардаги гидравлик ва электрик юритмаларнинг ўзаро боғланишини кўрсатади. Улар маҳсус белгилар билан белгиланади. Курилиш машиналарининг иш жиҳозларидан ташқари кўп қисмлари умумий бўлиб, тузилиш жиҳатидан бир-бирига ўхшайди.

### 1.3. Курилиш машиналарининг иш унумдорлиги

Машиналарнинг иш унумдорлиги техник ва эксплуатацион иш унумдорликларига бўлинади. Техник иш унумдорлиги одатда бир соатга, эксплуатацион иш унумдорлиги эса смена ва йил учун ҳисобланади.

*Бир соатлик техник иш унумдорлиги* ( $\Pi_{техн}$ ) бу машиналарнинг аниқ иш жараёнида бир соат давомида тўхтосиз ишлаши натижасида бажарган иши.

Сменадаги эксплуатацион иш унумдорлиги ( $\Pi_{см}$ ) смена давомида барча танаффуслар, конструктив, технологик ва физиологик тўхташлар, курилиш ишлари технологияси ва машиналардан фойдаланиш шароитига боғлиқ.

Машинанинг сменадаги эксплуатацион иш унумдорлиги қўйидагича аниқланади:

$$\Pi_{см} = \Pi_{техн} n_{см} = \Pi_{техн} (T_c - \Sigma t_n), \quad (1.1)$$

бу ёрда: ( $\Pi_{техн}$ ) – техник иш унумдорлиги;  $n_{см}$  – смена давомида машина ишлаган соатлар сони;  $T_c$  – смена вақти, соат;  $\Sigma t_n$  – машинанинг смена давомидаги танаффуслар вақти, соат.

Машиналарни сменадаги иш унумдорлигини қўйидагича ҳам аниқлаш мумкин:

$$\Pi_{см} = \Pi_{техн} T_c k_b, \quad (1.2)$$

бу ёрда:  $k_b$  – иш вақтидан фойдаланиш коэффициенти. Машиналарни обьектдан–объектга кўчиришга кетган вақт, об-ҳавога боғлиқ тўхташлар, ташкилий танаффуслар, дам олиш ва байрам кунлари ҳисобга олинган ҳолда.

$$k_b = \frac{T_c - \sum t_n}{T_c}, \quad (1.3)$$

*Машиналарнинг йиллик эксплуатацион иш унумдорлиги* қўйидагича аниқланади:

$$\Pi_{йил} = \Pi_{см} N, \quad (1.4)$$

бу ёрда:  $N$  – йил давомида машина ишлаган сменалар сони.

Техник иш унумдорлигини ҳисоблаганда машиналарнинг иш тартибини (даврий; узлуксиз) ҳисобга олиш керак.

Даврий иш бажарувчи машиналарда ишчи ва салт ҳарақатлар алмашиниб туради. Узлуксиз ҳаракат қилувчи машиналарда эса ишчи ва салт ҳаракат биргаликда бўлади.

Даврий иш бажарувчи машиналарнинг иш унумдорлиги қуидагича аниқланади:

$$\Pi_{\text{техн}} = \frac{3600 Q}{t} (\text{м}^3/\text{соат ёки т/с}), \quad (1.5)$$

бу ерда:  $Q$  – бир давр давомида берилаётган маҳсулот,  $\text{м}^3$  ёки  $\text{т}$ ;  $t$  – даврнинг давомийлиги, сек.

Узлуксиз иш бажарувчи машиналарнинг иш унумдорлиги қуидагича аниқланади:

$$\Pi_{\text{техн}} = 3600 Fv, \text{ м}^3/\text{соат ёки } \Pi_{\text{техн}} = 3600 Fv\gamma, \text{ т/соат}, \quad (1.6)$$

бу ерда:  $F$  – материал кўндаланг кесимининг юзи,  $\text{м}^2$ ;  $v$  – материалнинг ҳаракат тезлиги,  $\text{м}/\text{с}$ ;  $\gamma$  – материал вазни  $\text{кг}/\text{м}^3$ .

Машиналарнинг техник ва эксплуатацион иш унумдорлигини илфор иш усулларини қўллаш йўли билан ҳам ошириш мумкин.

#### 1.4. Курилиш машиналарининг куч қурилмалари

Курилиш машиналарида қуидаги куч қурилмалари қўлланилади:

- электродвигателлар;
- ички ёнув двигателлари;
- гидравлик юритма;
- пневмо юритма.

Бу юритмалар орасида **электродвигателлар** алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, улар қуидаги афзалликларга эга:

- ҳар бир механизм учун алоҳида двигатель ўрнатиш мумкин, натижада трансмиссия қўллашга ҳожат қолмайди;
- алоҳида механизмларни бошқаришда қулийлик яратади, масофадан бошқариш ва автоматлаштириш имкониятини яратади;
- рухсат қилинган юқдан ортиқчасини қабул қила олади;
- самарадорлиги юқори;
- ҳарорат ва атмосфера таъсирига берилмайди;
- доимий ишга тайёр туради;
- иш жойи тоза туради;
- ёнилғи талаб қилмайди.

Юқоридагилар ҳисобига электродвигателлар күчма ва мұқим ишлайдын машиналарда күп ишлатилади.

Электродвигателларнинг бирдан-бир камчилиги – уларнинг электр манбаидан озиқланишидір.

*Ички ёнув двигателлари* асосан күчма (ер қазиши, юк күтариш, юкловчи) машиналарда құлланилади. Уларнинг асосий афзаллиғи: ташқы энергия манбаига боғлиқ әмаслиғи, камчилиғи эса реверсивлаш имкониятининг йүқлигі, ортиқча юкни күтара олмаслиғи, буровчи моменттің үзгартыриш учун трансмиссиянинг құлланилиши, ҳароратбардошлиғи ва ишлаш муддатининг камлиғи.

Курилиш машиналарда дизель ва карбюраторлық двигателлар құлланилади. Дизель двигателларда (бензинга нисбатан анча арzon бўлган) дизель ёнилғиси ишлатилади. Дизель двигателларнинг солиштирма ёнилғи сарфи карбюраторлй двигателларга нисбатан 30...35% га кам. Улар ишончли ва хавфсиз ишлайди. Камчилиғи эса вазнининг катталиғи ва совуқ ҳавода юргизиб олишнинг қиинлигидадир.

*Гидравлик юритма* – насос, тақсимлаш тизими, ишчи цилиндр ва мой ўтказувчи қувурдан иборат. Гидронасослиқ юритма куйидаги афзалликларга ёга:

- тезликни редукторсиз үзгартыриш мүмкінлигі механизм вазнини камайтиради;
- иш давридаги юқори ишончлилик;
- созлашнинг катта имкониятлари;
- катта юклар таъсирида ишлашлиғи.

Гидравлик юритмаларнинг асосий камчилиғи уларни юқори аниқликда тайёрлаш кераклиғи ва маҳсус мойлар ишлатилишидадир.

*Пневмоюритма* фақат баъзи бир ёрдамчи жиҳозларда ишлатилади.

### **1.5. Курилиш машиналарини автоматлаштириш түшүнчеси**

Курилиш машиналарини автоматлаштириш уларнинг иш унумдорлигини ва сифатини кескин күтаришга имкон беради.

Курилишда ишлаб чиқаришни автоматлаштириш куйидаги йұналишларда олиб борилмоқда:

Автоматик назорат – объектнинг ҳолати еки катталикларнинг техник нормативларда күрсатылған чегара қийматига етғанлиғи ҳақидаги маълумотларни автоматик рационалда олиш.

Автоматик созлаш — баъзи бир физик қатталиклар қийматини автоматик равишда талаб қилган миқдорда ушлаб туриш. Бундай созлашни амалга оширувчи курилма автоматик бошқариш тизими (АБТ) дейилади.

Автоматик бошқариш — ишлаб чиқариш жараёнидаги машина ва аппаратларни инсон иштирокисиз бошқариш.

Робот — заарали ва бир хил бўлган қўл меҳнатини, инсон қўли етиши қийин бўлган жойлардаги ишларни бажарувчи машина.

Манипулятор — оператор ёки бошқарувчи дастур асосида инсон қўли каби ҳаракат қилувчи механизм.

## ***1.6. Стандартлаштириш ва ўзаро алмаштириш талаблари***

Машинасозликни, шу жумладан, курилиш машиналарини ривожлантиришда ва самарадорлигини оширишда, шунингдек, сифатини яхшилашда стандартлаштириш муҳим роль ўйнайди.

Фан ва техниканинг ривожланиши билан стандартлаштириш ишлари халқаро миқёсда 1926 йилда ташкил қилинган ISO (стандартлаштириш бўйича халқаро ташкилот) қўмитаси ва маҳсус давлат ташкилотлари томонидан амалга оширилади ёки назорат қилинади.

Куйида стандартлаштиришда қўлланиладиган умумий атамалар ҳақида қисқача маълумот берилади.

Стандарт — норматив техник ҳужжатлар йиғиндиси бўлиб; стандартлаштириладиган обьектга қўйиладиган нормалар, қоидалар ва талаблардан иборатdir. У масъул маҳкамалар томонидан тасдиқланган бўлади. Стандартлар фан ва техниканинг сўнгги ютуқлари асосида доимо янгиланиб турилади. Стандартларда маҳсулот сифатини ва самарадорлигини оширувчи, шунингдек, ўзаро алмаштириш даражасини кўтариш имкониятини берувчи кўрсаткичлар келтирилади. Баъзи аниқ маҳсулотларга техник шартлар ҳам берилади.

Унификациялаштириш — бир хил вазифа бажарувчи обьектлар турини мақсадга мувофиқ равишда қисқартириш.

Тизимлаштириш (системалаштириш) — обьектларни фойдаланишга қулай бўлиши учун маълум тартибда ва кетма-кетликда жойлаштириш.

Стандарт тури қуйидагилар:  
— давлат стандартлари;

— тармоқ стандартлари;  
— корхона стандартлари.

Давлат стандартлари барча ташкилотлар учун мажбурий ҳисобланади. Тармоқ стандартлари эса шу тармоқдаги корхоналарга ва корхона стандартлари фақат шу корхона учун мажбурий ҳисобланади.

Стандартлаштирилаётган обьект фойдаланишда эксплуатацион күрсаткичлари бўйича бир-бирини алмаштириш имконига эга бўлиши керак.

Машина, механизм, асбоб ва деталларнинг алмашувчанлиги деб, уларнинг бир хилдаги турларини бир-бирини қўшимча меҳнат сарфисиз тўлиқ алмаштира олиш хусусиятига айтилади. Алмаштириладиган деталь, қисм ёки машинанинг ишлаш муддати, ишончлилиги ва бошқа эксплуатацион күрсаткичлари талабга тўла жавоб бериши керак.

Ўзаро алмаштириш куйидаги афзалликларга эга:

- машиналарни йиғиш муддати камаяди ва йиғиш учун юқори малакали ишчи талаб қилинмайди;
- йиғиш жараёни аниқ меъёрлаштирилади ва ишни узлуксиз усулда ташкил қилишга имкон беради;
- кент миқёсда ихтисослаштиришга имкон яратилади;
- машиналарни таъмирлаш тезлашади.

Алмаштиришлар ички ва ташқи бўлиши мумкин. Ташқи алмаштириш буюмларни эксплуатацион күрсаткичларига биноан амалга оширилади ва бошқа корхонадан сотиб олинган ёки кооперация усулида олиб қелтирилган маҳсулот ҳисобига амалга оширилади. Мисол учун электродвигателларда ташқи алмаштириш унинг куввати ва айланишлар сонига, шунингдек, уланаётган вал күрсаткичларига қараб амалга оширилади. Ички алмаштириш бу битта машина, мёханизм ёки бирикма доирасида амалга оширилади ва уларнинг деталлари бир-бirlарини алмаштиради.

## 1.7. Бирикмалар


Курилиш машиналарининг деталлари йкки усул билан бириктирилган бўлиши мумкин, яъни ажраладиган ва ажралмайдиган ҳолатда. Ажралмайдиган усулда бириктирилган деталларни фақат бузиб (парчалаб) ажратиш мумкин. Бу усул парчин мих ёки пайвандаш ва елимлаш йўли билан амалга оширилади. Ажраладиган бирикмалар асосан резьба ёрдамида бириктирилади.

Парчин михли бирикма деталга титратувчи ва зарбий кучлар таъсир қиласидан жойларда механик мустаҳкам чок сифатида кўпроқ ишлатилади.

Парчин мих — бир томони думалоқ каллакли, кўндаланг кесими эса айлана бўлган стержень бўлиб, иккинчи томонида деталлар бириктирилганда парчинланган каллак ҳосил қилинади. Парчинлаш пайтида стержень эзилиб бириктирилаётган деталлар тешиги тўлдирилади. Агар парчин мих диаметри 10 мм гача бўлса совук ҳолатда, 10 мм дан катта бўлса қиздириб туриб парчинлаш амалга оширилади. Парчин мих турлари хилма-хил бўлиб курилиш машиналарининг металл конструкцияларида ва курилиш иншоотларида, одатда, каллаги ярим айлана шаклидаги (1.2,а- расм) ва конус шакли (1.2,б- расм) парчин михлар кўплаб ишлатилади.

Парчин михнинг диаметри унинг каллак қисмини шаклига боғлиқ равишда 1...36 мм бўлиши мумкин.

Бириктирилаётган детални устма-уст қўйиш йўли билан ва қистирмалар ёрдамида учма-уч қўйиш йўли билан парчинлаш мумкин (1.2,в, г-расмлар).



1.2-расм. Парчин михли бирикмалар.

*a* — каллаги ярим айланали; *b* — каллаги конуссимон; *c* — устма-уст бирикиш; *d* — учма-уч бирикиш.

Парчин михлар қаторининг сонига қараб чоклари бир қаторли, икки қаторли ва кўп қаторли бўлиши мумкин. Жойлашишига қараб параллел ёки шахматсимон кўринишда бўлади.

Парчин михли чокнинг мустаҳкамлиги чокнинг мустаҳкамлик коэффициенти билан таснифланади:

$$\varphi = \frac{t-d}{t} \quad (1.7)$$

## **МУНДАРИЖА**

|  |    |
|--|----|
| <b>1-боб. Курилиш машиналари ҳақида умумий мәлдемелер</b> .....        | 7  |
| 1.1. Курилиш машиналарига күйиладиган асосий талаблар .....            | 7  |
| 1.2. Курилиш машиналари ва жиҳозлари таснифи .....                     | 9  |
| 1.3. Курилиш машиналарининг иш унумдорлиги .....                       | 10 |
| 1.4. Курилиш машиналарининг куч курилмалари .....                      | 11 |
| 1.5. Курилиш машиналарини автоматлаштириш түшүнчеси .....              | 12 |
| 1.6. Стандартлаштириш ва ўзаро алмаштириш талаблари .....              | 13 |
| 1.7. Бирималар .....   | 14 |
| 1.8. Узатмалар .....   | 23 |
| 1.9. Валлар ва ўқлар, уларнинг таянчлари ва бирималари .....           | 38 |
| <b>2-боб. Юк ташиш, ортиш-тушириш машиналари</b> .....                 | 47 |
| 2.1. Юк ташиш машиналарининг турлари түгрисида умумий түшүнчалар ..... | 47 |
| 2.2. Узлуксиз юк ташиш машиналари .....                                | 54 |
| 2.3. Пневмотранспорт курилмалари .....                                 | 63 |
| 2.4. Ортиш-тушириш машиналари .....                                    | 68 |
| <b>3-боб. Юк күтариш машиналари</b> .....                              | 74 |
| 3.1. Ишлеш күлами ва таснифи .....                                     | 74 |
| 3.2. Домкратлар .....  | 77 |
| 3.3. Курилиш чигирлари .....   | 80 |
| 3.4. Осма чигирлар .....   | 83 |
| 3.5. Курилиш күтартгичлари .....                                       | 86 |
| 3.6. Мачтали ва мачта-стрелали кранлар .....                           | 88 |
| 3.7. Минорали кранлар .....  | 91 |
| 3.8. Стрелали ўзи юрар кранлар .....                                   | 99 |

|  |            |
|--|------------|
| 3.9. Чорпояли, кўприк ва кабелли кранлар .....   | 108        |
| 3.10. Юк кўтариш машиналаридан фойдаланиш .....  | 112        |
| <b>4-боб. Ер ишлари учун машиналар .....</b>   | <b>115</b> |
| 4.1. Грунтнинг хусусиятлари, грунтни қирқишига<br>ва ковлашга бўлган қаршилиги ҳақида асосий<br>тушунчалар .....         | 115        |
| 4.2. Иш жараёнининг умумий характеристикиси,<br>ер ишлари машиналари таснифи .....                                       | 118        |
| 4.3. Машиналарнинг ер қазувчи қисмлари ва уларнинг<br>грунт билан ўзаро таъсири .....                                    | 119        |
| 4.4. Экскаваторлар .....   | 123        |
| 4.5. Ер қазиш транспорт машиналари .....   | 148        |
| <b>5-боб. Козиқ қоқиши учун машина ва қурилмалар .....</b>   | <b>163</b> |
| 5.1. Копер ва копер қурилмалари .....  | 163        |
| 5.2. Тебраhma ботиргичлар ва тебранма болғалар .....   | 167        |
| <b>6-боб. Табиий тош материалларини майдалаш,<br/>сараплаш ва ювиш машиналари .....</b>                                  | <b>170</b> |
| 6.1. Умумий маълумотлар .....  | 170        |
| 6.2. Тош материалларини сараплаш учун машиналар .....  | 180        |
| 6.3. Тош материалларни ювиш машиналари .....   | 184        |
| <b>7-боб. Бетон ва қоришмалар тайёрлаш, ташиш ва<br/>бетон аралашмаларини зичлаштириш машина ва<br/>ускуналари .....</b> | <b>186</b> |
| 7.1. Қоришма аралаштиргичлар .....   | 194        |
| 7.2. Бетон аралашмалари ва қоришмаларини<br>ташийдиган машиналар .....   | 202        |
| 7.3. Бетон қоришмани қуйиш ва ёйишга мўлжал-<br>ланган ва юзага ишлов берувчи машиналар маж-<br>муаси .....              | 218        |
| 7.4. Бетон қоришмасини зичлаш қурилмалари .....  | 220        |
| <b>8-боб. Қўл машиналари .....</b>   | <b>228</b> |
| 8.1. Қўл машиналарининг турлари .....  | 228        |
| 8.2. Қўл машиналарга қўйиладиган асосий талаблар .....   | 232        |
| 8.3. Тешиклар ҳосил қўлувчи қўл машиналари .....   | 233        |
| 8.4. Конструкцияларни йигувучи ва деталларни<br>маҳкамлаш учун ишлатиладиган қўл машиналар .....                         | 245        |
| 8.5. Тупроқни зичлаш ва қатламларни бузувчи қўл<br>машиналари .....  | 251        |

|  |            |
|--|------------|
| <b>8.6. Пардоzлаш, кесиш, рандалаш ва арралаш ишларида күлланиладиган күл машиналари .....</b>                                       | <b>255</b> |
| <b>9—боб. Пардоzлаш ишлари учун машиналар .....</b>  | <b>265</b> |
| 9.1. Сувоқ ишлари учун машиналар .....   | 265        |
| 9.2. Бүек ишлари учун машиналар .....  | 269        |
| 9.3. Пол, том ва гидроизоляция ишларини бажарыш учун машиналар .....   | 274        |
| <b>10—боб. Ер ости коммуникацияси ўтказишнинг траншеясиз (ёник) усули .....</b>  | <b>281</b> |
| <b>11—боб. Курилиш машиналаридан фойдаланиш асослари .....</b>   | <b>285</b> |
| 11.1 Машиналардан техник фойдаланиш тушунчаси.....   | 285        |
| 11.2. Машиналарга техник хизмат кўрсатиш ва таъмираш .....   | 288        |
| 11.3. Курилиш машиналаридан хавфсиз фойдаланишини таъминловчи асосий меъёрий хужжатлар ва қоидалар .....                             | 295        |
| 11.4. Мехнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик меъёrlарига риоя қилишни назорат қилувчи давлат маҳкамалари ва жамоат ташкилотлари ..... | 298        |